

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИСАЕВ ХУСАН МАНСУРОВИЧ

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
БЕВОСИТА СОЛИҚЛАР УЛУШИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

УДК: 336.14 (575.1)
336.02 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Исаев Хусан Мансурович

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар
улушини ошириш йўллари.....3

Исаев Хусан Мансурович

Пути увеличения доли прямых налогов в формировании доходов
государственного бюджета27

Isaev Khusan Mansurovich

Ways to increase the share of direct taxes in the forming State budget revenues. 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИСАЕВ ХУСАН МАНСУРОВИЧ

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
БЕВОСИТА СОЛИҚЛАР УЛУШИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В2018.1.PhD/Iqt482 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-
саҳифаси (www.tfi.uz) ва "Ziyouet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сафаров Ғиёсиддин Абдуллаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Жураев Абдуғаффор Сафарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Боймуротов Содик Розикович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етақчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги, DSc.03/30.12.2019.1.17.01
рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "1" 01 соат 16 дақиқ мажлисида бўлиб ўтди.
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шох кучаси, 60А-уй. Тел.:(99871)-234-53-34,
факс: (99871)-234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

14 Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин
(14 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темуր шох кучаси,
60Ауй. Тел.:(998)71-234-53-34.

Диссертация автореферати 2021 йил "24" 12 кун тарқатилди.
(2021 йил "24" 12 дақиқ № 2 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

И.И.Қўлиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланишига мос равишда самарали солиқ тизимини шакллантириш, солиқларни ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида солиққа тортиш шакллари ва услубиётидаги катта фарқнинг мавжудлиги, улар бюджети даромадлари таркиби ва тузилишининг ҳам турлича эканлигини намоён этмоқда. Шундай бўлсада, солиқлар давлат бюджетининг асосий даромад манбаси бўлиб қолмоқда. “Солиқлар деярли барча мамлакатларда давлат бюджети даромадларининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Халқаро солиқ ва тараққиёт марказининг сўнги ҳисоб-китобларига кўра, жами солиқ тушумлари дунё давлатларининг қарийб ярмида давлат бюджети даромадларининг 80 фоиздан кўпроғини ва ҳар бир мамлакатда деярли 50 фоиздан кўпини ташкил қилади”¹.

Жаҳон амалиётида ишлаб чиқариш ёки истеъмол ривожланишига устуворлик бериш муаммосини энг оптимал тарзда ҳал қилишнинг асосий йўли давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита ва билвосита солиқлар гуруҳидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Агар тараққиётнинг маълум бир босқичида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга устуворлик бериладиган бўлса, у ҳолда солиқларнинг асосий фискал функциясини бажариш билвосита солиқлар зиммасига юкланади. Бу ўринда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий дастаги сифатида бевосита солиқлар майдонга чиқади. Бироқ жаҳонда давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмидаги муаммолар ва ўзаро фарқларнинг мавжудлиги, уларнинг бюджет даромадлари барқарорлигига таъсири масаласи ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаганлигини келтириб ўтиш ўринлидир.

Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ юқини пасайтириш, солиққа тортиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқларнинг ундирувчанлигини ошириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда давлат бюджети даромадларини шакллантириш бўйича мамлакатимизда орттирилган тажриба ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга, айти вақтда даромад манбаларининг нисбатан нобарқарорлигини намоён этмоқда. Бюджет даромадларининг асосий манбаи бўлган солиқларни ислох қилиниши хўжалик субъектларининг бизнесни ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришда бир қатор ноқулайликларни юзага келтирмоқда. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши солиққа тортишнинг мамлакатимиз тажрибаси ва халқаро тамойиллари асосида солиқ тизимини

¹ <https://ourworldindata.org/taxation>

ислоҳ қилиш, давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг янги даврини бошлаб берди. Ушбу концепциянинг асосий йўналишларидан бири сифатида “макроиктисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш”² белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, давлат бюджети даромадларининг таркибида бир қатор ўзгаришлар бўлишига олиб келиши, табиий. Давлат бюджети даромадларини шакллантириш жараёнида шу вақтга қадар билвосита солиқларга устуворлик берилган бўлса, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида бевосита солиқларга устуворлик берилмоқда. Бу ҳолат давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларнинг роли ва аҳамиятини тадқиқ этиш заруратини тақозо этди ва мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сон ва 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4555-сон ҳамда 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон фармони, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бевосита солиққа тортишнинг назарий ва амалий жиҳатлари қатор иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларни аҳамиятини оширишга доир масалалар Е.Асен, L.Voqiang, J.Zhijie, А.Титов, А.Крамсков, Е.Зудина, Н.Ремизов, И.Гашенко, А.Терехина, В.Ворошило,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3802378>

Н.Курочкина, М.Романовский ва бошқа хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмаларида тадқиқ қилинган³. Шунингдек, бевосита солиққа тортиш тизими анъаналарига доир тадқиқот ишлари бир қатор халқаро тадқиқот марказлари ва консалтинг компаниялари томонидан амалга оширилган⁴.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Ҳайдаров, А.Жўраев, О.Абдурахманов, Б.Тошмуродова, Б.Санакулова, И.Ниязметов, Ж.Урмонов, Н.Ашурова, Қ.Базаров, М.Эшонов, Ш.Собиров, А.Ботиров, А.Агзамов, Ш.Қиёсов, Қ.Тўхсанов, Ҳ.Зарипов, Д.Абдуллаев ва бошқалар ўз илмий ишларида бевосита солиқлар, уларнинг муайян тури бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган⁵. Хусусан, Қ.Базаров корхоналар

³ Asen, E. Corporate Tax Rates around the World, 2020. FISCAL FACT. No. 735. Dec. 2020.; Boqiang Lin, Zhijie Jia. Tax rate, government revenue and economic performance: A perspective of Laffer curve.; Титов А.А. Совершенствование налога на прибыль организаций в Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2006.; Крамсков А.С. Развитие прямого налогообложения в посткризисной экономике России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ростов-на Дону, 2007. – 28 с.; Зудина Е.М. Налог на прибыль и его роль в формировании доходной базы бюджетов разных уровней. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2009; Ремизов Н.П. Совершенствование упрощенной системы налогообложения и единого налога на вмененный доход (на примере Ростовской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Ростов-на-Дону, - 2009.; Гашенко И.В. Развитие прямого налогообложения в налоговой системе России: теория и практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Ростов-на-Дону, 2010.; Терехина А.П. Система и принципы налогообложения доходов физических лиц в развитых странах // Финансовое право. – 2017.; Ворошило В.В. Анализ влияния прямого налогообложения на формирование бюджетов в зарубежных странах. /Научный вестник: Финансы, банки, инвестиции - 2017 - №4.; Курочкина Н.В. Упрощенная система налогообложения как инструмент налогового стимулирования субъектов малого предпринимательства в регионе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.– Йошкар-Ола 2020.; Романовский М.В. Финансы. Учебник. 5-е издание. - Москва: Юрайт, 2019 г. – 305 стр.

⁴ Taxation Trends in the European Union. Data for the EU Member States, Iceland and Norway: 2020 edition. <https://op.europa.eu/en/publication-detail/-/publication/c0b00da7-c4b1-11ea-b3a4-01aa75ed71a1>; Международное налогообложение (Электрон ресурс). <https://gsl.org/ru/taxes>.

⁵ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: “Академия” нашриёти, 2002. - 204 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молия: Дарслик – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019 й. – 793 б.; Хайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya 2007.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005.- 18 б.; Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. – 40 б.; Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2007.- 43 б.; Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш: докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2016.- 29 б.; Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2018. - 70 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2018.- 70 б.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2018. - 30 б.; Базаров Қ.Т. Корхоналар фойдасидан олинadиган солиқ механизмидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1998; Эшонов М.А. Юридик шахслардан олинadиган даромад (foyda) ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Андижон, 2006; Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент 2008; Ботиров А. А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012.- 23 б.; Агзамов А.Т.

фойдасидан олинадиган солиқ механизмидаги муаммолар⁶, Б.Қодиров бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш⁷, Д.Даминов Ўзбекистон солиқ тизимида тўғри солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш⁸, А.Исламқулов давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш масалалари бўйича диссертацион тадқиқотларни амалга оширишган⁹.

Бирок, шунинг алоҳида қайд этиш ўринлики, юқорида келтирилган иқтисодчи-олимларнинг илмий ишланмаларида солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида бевосита солиққа тортиш тизими, унинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги роли ва аҳамиятини оширишга доир муаммолар яхлит тарзда тадқиқ қилинмаган. Ушбу ҳолат мазкур диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-назарий ва амалий муаммолар ҳамда уларнинг ечимига қаратилган таклиф-тавсияларнинг долзарблигини яққол намоён этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий ишлари режасининг “Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар улушини ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг илмий-назарий ва иқтисодий асосларини тадқиқ қилиш;

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2019.- 58 б.; Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2019.- 61 б.; Қиёсов Ш.У. Жисмоний шахслар даромадларини солиқ тортишни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. - 64 б.; Зарипов Х.Б. Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш йиллари. Иқтисодиёт фанлари доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2020. - 64 б.; Абдуллаев Д.А. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2021. - 64 б.

⁶ Базаров Қ.Т. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ механизмидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, БМА, 1998.

⁷ Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2004 й. - 22 б.

⁸ Даминов Д.Ш. Ўзбекистон солиқ тизимида бевосита солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2011 й. - 23 б.

⁹ Исламқулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2012 й. - 21 б.

бевосита солиқларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва хусусиятларини очиқ бериш;

давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар (фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи)нинг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш, мавжуд муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш;

ривожланган мамлакатлар бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар ўрнини аниқлаштириш ва ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятларини белгилаш ҳамда илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

ҳозирги шароитда бевосита солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларни ундириш жараёни танланган.

Тадқиқот предмети давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларни ундириш жараёнидаги молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий изланиш жараёнида маълумотларни гуруҳларга ажратиш ва иқтисодий таҳлил қилиш, иқтисодий жараёндаги ўзгаришлардан мантиқий хулоса қилиш, таҳлил ва синтез қилиш, кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни таққослаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корхоналарнинг хуфиёна фаолиятга бўлган интилишини пасайтириш ва фойда солиғи юқини иш ҳақи фондидаги юк билан мувофиқлаштириш мақсадида фойда солиғи ставкасини такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

фойда солиғи бўйича берилган имтиёزلарни қайта кўриб чиқиш асосида таъсирчан бўлмаган ва самарасиз имтиёزلарни бекор қилиш, жумладан, кўриқлаш хизмати бўйича солиқ имтиёзини бекор қилиш таклиф этилган;

умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасини аниқлашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш таклиф этилган;

солиққа тортишни адолатлилигини таъминлаш мақсадида бозорлар ва савдо комплекслари учун алоҳида солиқ солиш режимининг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланиб, уни бекор қилиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хориж тажрибаси ва мамлакатимиз амалиётидан келиб чиқиб фойда солиғи ставкасини оптималлаштириш орқали давлат бюджети даромадларини мустаҳкамлаш таклиф этилган;

айланмадан олинадиган солиқни қўллашга доир Солиқ кодексидаги ноаниқликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ишлаб чиқилган;

ягона солиқ тўлови ставкаларини қайта кўриб чиқиш, фаолият турлари бўйича кескин табақалашган ставкаларни оптималлаштириш, жумладан, асосий фаолият тури мулкларни ижарага бериш бўлган юридик шахслар учун солиқ ставкасини пасайтириш таклиф этилган;

жами йиллик даромадларни декларациялаш тизимини жорий этиш орқали жисмоний шахслар даромадларини легаллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

яширин иқтисодиёт кўламини камайтириш орқали давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар улушини ошириш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларнинг аҳамиятини оширишга доир илмий-назарий қарашлари, мамлакатимиз қонунчилигидан (жумладан, турли таҳрирларда бўлган “Солиқ кодекси” тегишли моддаларининг қиёсий таққосланганлиги) фойдаланилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, шунингдек халқаро ташкилотлар маълумотларидан фойдаланилганлиги, хулоса ва таклифларнинг синовдан ўтказилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли давлат бошқарув органи томонидан амалиётга жорий этилиб, тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги шароитда давлат бюджети даромадларини шакллантиришни такомиллаштиришда ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса солиқ тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар улушини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар улушини ошириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

корхоналарнинг хуфиёна фаолиятга бўлган интилишини пасайтириш ва фойда солиғи юқини иш ҳақи фондидаги юк билан мувофиқлаштириш мақсадида бевосита солиқларнинг асосий тури ҳисобланган фойда солиғи ставкасини ошириш юзасидан таклиф 2020 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 06/04-02-01-32/1569-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши натижасида 2020 йил январь-май ойларида давлат бюджетига 593,0 млрд.сўм кўшимча солиқ тушумига эришилган;

фойда солиғи бўйича имтиёзларни қайта кўриб чиқиш ва самарасиз имтиёзларни (кўриқлаш хизмати бўйича солиқ имтиёзлари) бекор қилишга доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 06/04-02-01-32/1569-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни

жорий этилиши натижасида 2020 йил январь-май ойларида давлат бюджетига 260,0 млн.сўм кўшимча солиқ тушумига эришилган;

умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар учун фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасини аниқлашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этишга доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 06/04-02-01-32/1569-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий қилиниши якка тартибдаги тадбиркорларнинг фойда солиғи базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибидан фойдаланиш имкониятини бермоқда;

бозорлар ва савдо комплекслари учун алоҳида солиқ солиш режимини бекор қилиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 06/04-02-01-32/1569-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2020 йил январь-май ойларида бевосита солиқлар улушининг 0,3 фоиз бандга кўпайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 7 та, шу жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ҳамда уларга ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Олий аттестация комиссияси эътироф этган маҳаллий журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналда 1 та илмий мақола, шунингдек илмий-амалий конференцияларда 7 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари белгилаб олинган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар улушини оширишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг илмий-назарий ва иқтисодий асослари тадқиқ этилган, бевосита солиқларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва

хусусиятлари очиб берилган. Бевосита солиқларнинг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига баҳо берилган, бевосита солиқлар аҳамиятини оширишга доир муаллифлик қарашлари келтирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган давлатлар бюджет даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар юқори улушга эга бўлса, ривожланаётган давлатларда билвосита солиқлар устунлик қилмоқда.

Диссертацияда солиқларга доир тадқиқотлар олиб борган хорижлик ва маҳаллий олимларнинг бевосита ва билвосита солиқлар борасидаги, Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда уларнинг нисбатини таъминлашга доир қарашлари тадқиқ қилинган.

Иқтисодчиларнинг бевосита солиқларга доир қарашларида, уларнинг айримлари Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларнинг устунлиги мамлакат иқтисодиётини ривожланганлигини кўрсатувчи индикатор сифатида қарасалар, айримлари бевосита солиқларни камайтирилиши солиқ тўловчилар даромадларини ошишига хизмат қилишини, бевосита солиқларни оширилиши ЯИМни камайишига олиб келишини таъкидлайдилар. Эътиборли жиҳати кўплаб тадқиқотчилар бевосита солиқларнинг моҳиятини очиб бериш учун билвосита солиқларнинг хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтганлигидир.

Солиқларни бевосита ва билвоситага ажратиш, уларнинг ижобий жиҳатлари ва камчиликлари, Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда уларнинг қайси бирига устунлик бериш каби масалалар ҳозирги давр солиқ сиёсатида ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Бу борада қатор тадқиқотлар олиб борилиб, солиққа тортиш назарияси ва амалиётида муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва олиб борилаётган солиқ сиёсатининг хусусиятларидан келиб чиқиб, АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда бевосита солиқларга устуворлик берилса, айрим мамлакатларда, хусусан, ЕИнинг аксарият мамлакатларида билвосита солиқларга устуворлик берилади.


Муаллифнинг фикрича, Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб бевосита ёки билвосита солиқларга устуворлик бериш энг мақбул йўл ҳисобланади.

2015-2020 йиллар мобайнида мамлакатимизда ЯИМ ҳажми (миқдори) мунтазам равишда ўсиб борган (1-жадвал). Шунга мос равишда Давлат бюджети даромадлари ҳам ўсиб борган. Таҳлил қилинаётган йилларда номинал ЯИМ 2,7 мартага ўсгани ҳолда, Давлат бюджети даромадлари эса 3,6 мартадан кўп ўсган. Демак, сўнгги олти йилда ЯИМнинг ўсиш суръатларига қараганда Давлат бюджети даромадларининг ўсиш суръатлари 1,33 мартага юқори бўлган.

**Давлат бюджети даромадлари ва бевосита солиқларни
ялпи ички маҳсулотда тутган ўрни¹⁰**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	ЯИМ, млрд сўмда	221350,9	255421,9	317476,4	424728,7	529391,4	602551,4
2.	Давлат бюджети даромадлари, млрд.сўмда	36493,3	41043,5	49681,0	79099,1	112165,4	132938,0
3.	Давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улуши, %да	16,5	16,1	15,6	18,6	21,2	22,1
4.	Бевосита солиқлар, млрд.сўмда	8798,4	9852,8	11539,4	15656,2	31676,8	45206,9
5.	Бевосита солиқларни ЯИМдаги улуши, %да	4,0	3,9	3,6	3,7	6,0	7,5

Давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улуши 2015 йилда 16,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2020 йилга келиб 22,1 фоизга тенг бўлган (5,6 фоизли пунктга ошган). Шу даврда бевосита солиқларнинг ЯИМдаги улуши эса 4,0 фоиздан 7,5 фоизга қадар, яъни деярли икки бараварга ошган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари таркиби ва тузилишининг динамикаси¹¹, фоизда

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг 2015-2020 йиллардаги маълумотлари асосида тайёрланди.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015-2020 йиллардаги маълумотлари асосида тайёрланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилга қадар Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда билвосита солиқларга устувор аҳамият қаратилди (бюджет даромадларининг 50 фоиздан ортиқ қисми билвосита солиқлар ҳиссасига тўғри келган). Бевосита солиқлар ставкаларининг йиллар давомида кескин пасайтирилишига монанд равишда уларнинг Давлат бюджети даромадларидаги улуши ҳам муттасил равишда камайиб борган (25 фоиз атрофида).

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари таркиби қонун ҳужжатларида 4 та йирик гуруҳга бўлинган. Лекин кўпчилик назариётчи иқтисодчилар солиқларни фақатгина бевосита ва билвосита солиқларга ажратиб, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғини (Давлат бюджети даромадларининг 13-16 фоизи) бевосита солиқлар таркибига киритиш лозим, деб ҳисоблайдилар.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларнинг ўрни ва аҳамияти”** деб номланган иккинчи бобида Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда фойда солиғи, айланмадан олинандиган солиқ ва жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Жаҳон солиқ амалиётида асосий солиқ турларидан бири ҳисобланган корпоратив солиқ мамлакатимиз солиқ тизимини шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида юридик шахслар фойдасини солиққа тортишда, Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бир пайтнинг ўзида, амалга оширган тадқиқотларимиз мамлакатимиз солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг турли даврларида юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тизимида ҳам турлича ёндашилганлигини кўрсатмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мазкур солиқнинг фискалик аҳамиятига кўпроқ эътибор берилган бўлса, кейинчалик солиқ ставкасини йиллар давомида пасайтириб борилиши натижасида корхоналарнинг инвестицион фаолиятини кенгайтиришга, уларнинг ихтиёрида қоладиган фойдасининг ошишини стимуллаштиришга (шу жумладан, рағбатлантиришга ҳам) кўпроқ эътибор қаратилди. Бу даврга келиб, дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистон фойда солиғи ставкаси энг паст давлатлардан бири сифатида эътироф этилди¹².

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида юридик шахслар фойдасини солиққа тортишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди¹³. Натижада, юридик шахслар молиявий натижаларидан келиб чиқиб биргина фойда солиғини тўлашлари белгиланди, уларнинг фойдасидан ундириладиган бошқа солиқ турлари бекор қилинди. Фойда солиғининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига салбий таъсири камайтирилиб, бюджет

¹² Asen, E. Corporate Tax Rates around the World, 2020. FISCAL FACT. No. 735. Dec. 2020. <https://taxfoundation.org/publications/corporate-tax-rates-around-the-world>

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3802378>

даромадларидаги аҳамиятини оширишга, барча тадбиркорлик субъектлари учун тенг шароитларда солиқ солишга эришилди.

Дунё бўйича корпоратив солиқ ставкаси 1980 йилда 40,11 фоизни, шу даврда унинг ЯИМдаги улуши 46,52 фоизни ташкил этган. Кўплаб давлатлар корпоратив солиқнинг юқори ставкасини бизнесни инвестицияларга оид қарорларига салбий таъсирини англаган ҳолда, уни пасайтириб борган. Бунинг натижасида 2020 йилга келиб унинг ўртача ставкаси 23,85 фоизни, ЯИМдаги улуши 25,85 фоизни ташкил этган¹⁴.

Тадқиқот ишида фойда солиғининг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти таҳлил қилинган (2-жадвал).

2-жадвал

Давлат бюджети даромадлари ва бевосита солиқлар бўйича тушумларда фойда солиғи улушининг ўзгариши¹⁵, фоизда

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Фойда солиғининг Давлат бюджети даромадларидаги улуши	3,2	3,0	3,0	4,4	14,6	21,6
2.	Фойда солиғининг бевосита солиқлардаги улуши	13,4	12,3	12,8	22,4	51,6	63,5

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 2015-2020 йилларда фойда солиғининг Давлат бюджети даромадлари ва бевосита солиқлар таркибидаги улушини кескин ортиб борганлиги кузатилган. Жумладан, 2015 йилда фойда солиғининг Давлат бюджети даромадларидаги улуши 3,2 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2020 йилда бу кўрсаткич 21,6 фоизни ташкил қилган (18,4 фоизли пунктга ошган). Унинг бевосита солиқлар таркибидаги улуши эса 2015 йилда 13,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 63,5 фоизни ташкил қилган (яъни, 50,1 фоизли пунктга ошган). Бизнинг фикримизча, бу ҳолат, яъни фойда солиғи улушининг юқоридаги кўрсаткичларга нисбатан кескин ўсиши бевосита Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши ва шунга мос равишда бу жараёнлардаги кескин ўзгаришларнинг амалга оширилганлиги билан боғлиқ.

Фойда солиғини тўловчилар сонининг кескин ошишига мос равишда унинг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улушининг ҳам ошиши кузатилди. Фойда солиғини тўловчилар сонининг кескин ошишига асосий сабаб солиқ концепцияси доирасида, йиллик товар айланмаси 1,0 миллиард сўмдан ошган барча хўжалик юритувчи субъектлар учун фойда солиғини тўлаш мажбуриятининг юклатилганлигидир. Жумладан, солиқ концепциясига қадар фойда солиғини тўловчилар сони 2015 йилда 12 391 тани, 2016 йилда 9 171 тани, 2017 йилда 8197 тани, 2018 йилда 7 575 тани

¹⁴ Asen, E. Corporate Tax Rates around the World, 2020. FISCAL FACT. No. 735. Dec. 2020. <https://taxfoundation.org/publications/corporate-tax-rates-around-the-world>

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015-2020 йиллардаги маълумотлари асосида тайёрланди.

ташқил этиб, мунтазам равишда камайиши кузатилган¹⁶. Холбуки, солиқ концепциясини амалиётга жорий этилиши натижасида фойда солиғини тўловчилар сони 2019 йил якунига кўра 48 054 тани ташқил қилиб, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига эса 58 398 тага ошгани ҳолда, 106 453 тани ташқил қилган¹⁷.

Натижада, солиқ тизимидаги сўнгги ўзгаришлар ўрта бизнес шакли учун солиқ юкининг ўсишига олиб келди.

2015-2020 йилларда Давлат бюджети даромадларида фойда солиғи тушумини солиқ тўловчилар тоифаси бўйича шаклланиш динамикаси кескин ўзгаришларга эга (3-жадвал).

3-жадвал

Давлат бюджети даромадларида фойда солиғи тушумини солиқ тўловчилар тоифаси бўйича шаклланиши¹⁸, фоизда

№	Солиқ тўловчилар	Йиллар						2020 йилда 2015 йилга нисбатан (+, -)
		2015	2016	2017	2018	2019	2020	
1.	Корхона ва ташкилотларнинг фойдасига солиқ (2-7-банддагилардан ташқари)	52,1	49,7	47,2	55,9	67,1	72,1	+20
2.	Тижорат банкларининг фойдасига солиқ	13,5	15,4	18,7	16,3	13,6	12,1	-1,4
3.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фойдасига солиғи	13,6	10,8	9,1	9,4	8,1	7,5	-6,1
4.	Юридик шахсларнинг дивиденд ва фоизлар кўринишидаги олган фойдасига солиғи	15,8	17,9	18,4	10,4	7,5	4,9	-10,9
5.	Юридик шахсларнинг хорижий иштирокчисининг қўшма корхонадаги улуши қатнашувидан олган дивиденд ва фоизлар кўринишидаги олган фойдасига солиғи	0,2	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	-0,1
6.	Хорижий юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассасаси билан боғлиқ бўлмаган фойдасига солиқ	4,8	5,9	6,4	7,9	3,5	3,1	-1,7
7.	Бошқалардан фойда солиғи	0,04	0,1	0,1	0,03	0,1	0,2	+0,16
Республика бўйича жами		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-

¹⁶ Абдуллаев Д.А. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2021. - 60 б.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси. - Тошкент 2020 йил.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2015-2019 йиллардаги маълумотлари асосида тайёрланди.

Жумладан, корхона ва ташкилотларнинг фойдасига солиқнинг республика бўйича жами фойда солиғи тушумидаги улуши 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 20 фоизли пунктга ошиб, 72,1 фоизни ташкил этган. Бошқа солиқ тўловчилар тоифаси томонидан тўланган фойда солиғининг улушини камайиши кузатилган. Таҳлил қилинган йилларда юридик шахсларнинг дивиденд ва фоизлар кўринишидаги олган фойдасига солиқнинг улуши 15,8 фоиздан 4,9 фоизга қадар, яъни 10,9 фоизли пунктга, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фойдасига солиқнинг улуши 13,6 фоиздан 7,5 фоизгача, яъни 6,1 фоизли пунктга, тижорат банкларининг фойдасига солиқнинг улуши 13,5 фоиздан 12,1 фоизга, яъни 1,4 фоизли пунктга камайган. Демак, фойда солиғини асосий тўловчилари бўлиб корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банклари ҳисобланади.

Республика солиқ тизимига “айланмадан олинадиган солиқ” тушунчаси 2019 йил 1 январдан киритилган бўлсада, мазкур солиқ кўп йиллар давомида дастлаб ягона солиқ, кейинчалик ягона солиқ тўлови сифатида ундирилган. Ягона солиқ тўловига узок вақт соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчи юридик шахслар солиқ мажбуриятларининг асосий негизи сифатида қаралган.

Солиқ тизимида ягона солиқ тўловига кўпроқ эътибор қаратилиши оқибатида, умумбелгиланган тартибда ва соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг солиқ мажбуриятлари ўртасида кескин тафовут пайдо бўлди. “Умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги”¹⁹ соғлом рақобат муҳитини бузилишига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ундирилувчанлик даражасига салбий таъсир кўрсатди.

4-жадвал

Давлат бюджети даромадлари ва бевосита солиқлар бўйича тушумларда айланмадан олинадиган солиқ улушининг ўзгариши²⁰, фоизда

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Айланмадан олинадиган солиқнинг Давлат бюджети даромадларидаги улуши*	6,6	7,2	7,0	6,0	1,8	1,0
2.	Айланмадан олинадиган солиқнинг бевосита солиқлардаги улуши	27,3	30,0	30,0	30,1	6,3	3,0

* Изоҳ: 2015-2018 йилларда айланмадан олинадиган солиқ ягона солиқ тўлови сифатида қайд қилинган.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3802378>.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015-2020 йиллардаги маълумотлари асосида тайёрланди.

Айланмадан олинадиган солиқ ягона солиқ тўловига яқин бўлса-да, туб жихатдан кескин фарқ қилади. Ягона солиқ тўлови деярли барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар ўрнига жорий этилган бўлса, айланмадан олинадиган солиқ фақатгина қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи ўрнига жорий этилган. Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғидан ташқари бошқа солиқларни ҳам тўлайдилар.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 2015-2018 йилларда айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)нинг Давлат бюджети даромадларидаги ва бевосита солиқлар таркибидаги улуши нисбатан барқарор бўлгани ҳолда, 2019 ва 2020 йиллар давомида кескин пасайиши кузатилган (4-жадвал). Жумладан, 2015 йилда айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)нинг бюджет даромадларидаги улуши 6,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2020 йилда 1,0 фоизни ташкил қилган (5,6 фоизли пунктга камайган). Унинг бевосита солиқлар таркибидаги улуши эса 2015 йилда 27,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2020 йилда 3,0 фоизни ташкил қилган (24,3 фоизли пунктга камайган). Мазкур солиқ бўйича тушумнинг кескин камайиши бевосита солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши билан боғлиқ.

Айланмадан олинадиган солиқнинг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини таҳлили кўрсатмоқдаки, унинг фискаллиги сезиларли даражада юқори эмас.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи дунёнинг деярли барча мамлакатлари солиқ тизимида, жумладан, республикамиз солиқ тизимида ҳам самарали қўлланилиб келинаётган асосий солиқ туридир. Мазкур солиқ бир қатор хусусиятларига кўра ундирилувчанлик даражаси юқори бўлган солиқ ҳисобланади.

5-жадвал

**Давлат бюджети даромадлари ва бевосита солиқлар бўйича
тушумларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад
солиғи улушининг ўзгариши²¹, фоизда**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг Давлат бюджети даромадларидаги улуши	12,3	12,1	11,9	9,4	11,9	11,4
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг бевосита солиқлардаги улуши	50,9	50,3	51,3	47,5	42,1	33,5

Ўзбекистонда 2019 йилгача даромад солиғининг прогрессив ставкалари қўлланилган бўлса, 2019 йилдан эътиборан 12 фоизда пропорционал солиқ ставкаси жорий этилди. Кўпгина иктисодчиларнинг фикрига кўра,

²¹ Давлат солиқ қўмитасининг 2015-2020 йиллардаги маълумотлари асосида тайёрланди.

пропорционал солиққа тортиш ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар учун хосдир. Шу билан бирга, деярли барча ривожланган мамлакатларда даромад солиғининг прогрессив ставкалари амал қилади²².

Таҳлиллар 2015-2020 йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг Давлат бюджети даромадларидаги улушининг деярли барқарор сақланиб қолганлигини ва унинг бевосита солиқлар таркибидаги улушини камайиши кузатилганлигини кўрсатмоқда (5-жадвал).

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг Давлат бюджети даромадларидаги улуши 2015 йилда 12,3 фоизни ташкил этиб, 2018 йилда 9,4 фоизга қадар камайгани ҳолда, 2019 йилдан ўсиши кузатилган ва 2020 йилда 11,4 фоизни ташкил қилган. Эътиборли жиҳати мазкур солиқ ставкалари 2019 йилдан прогрессив шкаладан пропорционал, яъни ягона ставкада белгиланиши одатда унинг Давлат бюджети даромадларидаги улушини камайиши ўрнига, аксинча, унинг ошиб бориши кузатилган. Жадвал маълумотларида якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган қатъий белгиланган солиқ тушумлари ҳам даромад солиғи таркибида ўз ифодасини топган бўлса-да, улар учун солиққа тортиш тартибининг йиллик товар айланмасига қараб белгиланиши, кўплаб якка тартибдаги тадбиркорларни айланмадан олинадиган солиқ тўлашга ўтганлигини қайд этиш лозим.

2015-2018 йиллар мобайнида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 4 босқичли ставкалари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ “0” фоизли ставка ҳам жорий қилинган. 2018 йилга келиб солиқнинг юқори ставкаси 22,5 фоиз қилиб белгилангани ҳолда, 2019 йилдан эътиборан ягона 12 фоизли ставкага ўтилди. Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш керакки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона пропорционал ставкаси бир қатор давлатларда, жумладан, Эстонияда 21 фоиз, Грузияда 20 фоиз, Украинада 18 фоиз, Венгрия, Руминия ва Беларус Республикасида 16 фоиз, Чехия ва Литвада 15 фоиз, Россияда 13 фоиз, Болгария ва Қозоғистонда эса 10 фоиз миқдорида белгиланган²³.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади календарь йилида юз миллион сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни, бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар кўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаши белгиланган.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумнинг асосий қисми иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадлар ҳиссасига тўғри келмоқда (6-жадвал). Бунда асосий солиқ тушуми турли корхона, ташкилот ва муассасаларда ёлланиб ишловчи жисмоний шахслар даромадларидан ундирилган даромад солиғи ҳиссасига тўғри келмоқда. Жумладан, унинг улуши 2015 йилда 93,7 фоиздан 2020 йилда 94,9 фоизга қадар ошиб, 1,2 фоизли пунктга кўпайган.

²² Международное налогообложение (Электрон ресурс). <https://gsl.org/ru/taxes>

